



THE ROLE OF ENVIRONMENTAL LEGAL AWARENESS IN EXERCISING CITIZENS' RIGHT TO A FAVORABLE ENVIRONMENT

M.NAJIMOV^a

Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

МЕСТО ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ПРАВА ГРАЖДАН НА КОМФОРТНУЮ ОКРУЖАЮЩУЮ ПРИРОДНУЮ СРЕДУ

М.НАЖИМОВ^a

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚУЛАЙ АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ОНГНИНГ ЎРНИ

М.НАЖИМОВ^a

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мақолада фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда экологик-ҳуқуқий онгнинг ўрни ва экологик-ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг ташиқлий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириши масалалари атрофлича таҳлил этилган.

Калит сўзлар: экология, экологик функция, атроф табиий муҳит, экологик муносабатлар, экологик-ҳуқуқий онг, экологик қонунчилик, табиатни муҳофаза қилиши.

Аннотация: в статье подробно анализируется роль экологического правосознания в реализации прав граждан на благоприятную окружающую среду, а также вопросы совершенствования организационно-правовых основ формирования экологического правосознания населения.

Ключевые слова: экология, экологическая функция, окружающая среда, экологические отношения, экологическое правосознание, экологическое законодательство, защита природы.

Annotation: the article analyzes the role of environmental legal awareness in the realization the rights of citizens to a favorable environment, also the issues of enhancing organizational and legal foundations of forming the environmental legal awareness.

Keywords: ecology, ecological function, environment, ecological relations, ecological legal awareness, ecological legislation, nature protection.

Инсоният ҳозир ўз тарихининг масъулиятли даврида яшамокда. Биз “табиат–жамият–инсон” муносабатлари уйғунлигининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйдик. Бугунги экологик вазият ўз реал имкониятлари, объектив тараққиёт қонуниятлари билан жамият олдида ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий, мафқуравий соҳалардаги муносабатларни экологик хавфсизликни

таъминлаш ҳамда табиат-жамият уйғунлигида барқарорликка эришиш нуктаи назаридан танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни ва шу асосда ҳозирги ва келажак авлодлар яшаши учун қулай экологик вазиятни вужудга келтириш вазифасини қўймоқда. Бинобарин, инсониятнинг ушбу муаммоларни ҳал қилиш жараёнида экологик фаолликнинг янги қирралари, кўринишлари вужудга келиб, улар умуминсоний масъулият мажмуаси таркибида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Экологик-ҳуқуқий онг ва маданият ҳақидаги назарий, ғоявий, ҳуқуқий қарашлар ҳаёт тажрибаларида синовлардан ўтиб, янги экологик тафаккур ҳамда амалий фаолият асослари сифатида ташкил топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг даражалари фақатгина моддий ишлаб чиқариш жараёнида инсон ўз эҳтиёжлари учун табиатни қайси усулда, қандай воситалар ёрдамида ўзлаштираётганлиги билан белгиланмайди. Бунда атроф табиий муҳит муҳофазасига муносабат жамиятнинг ижтимоий масъулиятни англаш хусусиятларини кўрсатиб туради. Айниқса, экологик вазият кескинлашаётган ҳозирги даврда иқтисодий ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлар соф иқтисодий манфаатлар доирасидан четга чиқиб кетди. Шу жиҳатдан олганда, экологик эҳтиёжлар ҳал қилувчи аҳамият касб этиши билан “табиат–иқтисод–жамият” тизимида экологик-ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ролини ошириш кун тартибига қўйилаётганлиги тасодифий ҳолат эмас.

Бинобарин, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро алоқадорлигини уйғунлаштириш ҳамда инсон ва табиат муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб бормоқда. Шу жиҳатдан олганда, фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онгини шакллантириш масалалари ҳозирги кунда тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши долзарб бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Экологик-ҳуқуқий онгни шакллантириш муаммолари билан боғлиқ масалаларни ўрганишда, энг аввало, мазкур ҳодисага оид тушунчаларнинг мазмунини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, “онг”, “ижтимоий онг”, “ҳуқуқий онг” каби категорияларнинг моҳиятини англаш орқали экологик-ҳуқуқий онг тушунчасининг юридик табиатини аниқлашга эришиш мумкин. Ўз навбатида, экологик-ҳуқуқий онгни юксалтириш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш – экологик-ҳуқуқий онг тушунчаси, унинг тузилиши ва шаклланиши жараёнига оид ижтимоий фанларда илгари сурилган ёндашувлар ва илмий қарашларни умумлаштиришни тақозо этади.

Кўпгина фалсафий, социологик ва юридик тадқиқотларда, шахснинг табиатга бўлган муносабатини тавсифлашда турли хил категориялардан фойдаланилади. Хусусан, “ижтимоий-экологик онг”, “ижтимоий-экологик маданият”, “иқтисодий-экологик тафаккур”, “ижтимоий-экологик ўз-ўзини англаш”, “экологик дунёқараш”, “жамиятнинг табиатга муносабати”, “инсоннинг табиатга бўлган муносабатидаги руҳияти” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Экологик-ҳуқуқий онг масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган белоруссиялик олим И.Л.Вершокнинг фикрича, мазкур тушунчалар ўртасидаги дефинициялар кўп жиҳатдан экологик борлиқни одатдаги ва махсус шаклда англаш билан боғлиқ [1].

Илмий билишнинг интеграциялашув жараёнлари ва фанлараро муаммоларнинг юзага келиши, ўз навбатида, экологик онгнинг махсус тури экологик-ҳуқуқий онг ҳодисасининг вужудга келишига шарт-шароит туғдирди. Т.С.Смирновнинг таъкидлашича, бугунги кунда ижтимоий онг шаклланининг экологиялаштирилиши, унинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик онг шаклларига бўлган таъсирида намоён бўлмоқда [2]. Л.Д.Долгополова ва Н.И.Долматоваларнинг фикрича, экологик-ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг мустақил шакли бўлмасдан, балки у ҳуқуқий ва экологик онгнинг чатишмаси сифатида намоён бўлади [3]. Юқоридаги ёндашувдан фарқли ўларок, И.Л.Вершок табиат ва жамиятда юз бераётган глобал ўзгаришлар бугунги кунда ҳуқуқий онгнинг таркибидан айрим йўналишларни ажратиб ўрганишни тақозо этмоқда, деб ҳисоблайди. Хусусан, унинг фикрича, глобал экологик кризис натижасида юзага келаётган хавф-хатарлар ва муаммолар жамият олдига принципиал жиҳатдан янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Ушбу вазифаларнинг моҳияти табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳамда экологик ҳуқуқбузарликларнинг ҳаёт учун хавфли оқибатларни келтириб чиқаришини англаш, мавжуд экологик вазиятни айнанлигича баҳолаш, табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини атрофлича ўрганишдан иборат [4].

Шу ўринда ҳуқуқшунос олим И.Л.Вершокнинг экологик-ҳуқуқий онг тушунчасига берган таърифини келтириб ўтиш лозим. Чунки мазкур масалалар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилардан фарқли ўларок, И.Л.Вершокнинг берган таърифи мазкур ҳодисанинг

турли жиҳатларини батафсил камраб олган. Яъни унинг фикрича, экологик-ҳуқуқий онг – бу ижтимоий онгнинг иродавийлик, нормативлик, ҳуқуқ ўрнатувчилик ва унинг бошқа шакллари билан боғлиқ бўлган, асосий функционал мақсади атроф табиий муҳит ҳақидаги билим ва қарашлар, юридик нормаларнинг табиий ресурсларни ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги таъсири, уларни қўллаш амалиётининг самарадорлиги, табиатдан фойдаланувчилар ва уни муҳофаза қилувчи субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган экологик ҳодиса ва жараёнларни, экологик-ҳуқуқий принципларни ва бу соҳадаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни оптималлаштириш шаклларида анланган ва намоён бўладиган махсус турини ифода этади [5].

Демак, экологик-ҳуқуқий онг ўзида экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисидаги экологик-ҳуқуқий қарашлар, ғоялар ва тасаввурларни, жамиятнинг табиатга нисбатан таъсирининг шакл ва услублари ҳамда ҳуқуқий муҳофазанинг объекти сифатида табиатнинг ўзига бўлган муносабатларни тартибга солувчи амалдаги экологик-ҳуқуқий нормаларга нисбатан баҳоси, ҳуқуқий билимлари, қарашлари, ғоялари ва хоҳиш-истаклари тизимини намоён этади.

Фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онгини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда уларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларининг мазмун ва моҳиятини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини билишлари ва анлашлари ҳамда уларни қўллаш юзасидан муайян кўникмаларга эга бўлишлари уларнинг экологик-ҳуқуқий онги шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришганимиздан кейин, энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи устувор вазифа қилиб белгиланди. Шу жиҳатдан олганда, экологияга оид қабул қилинган деярли барча қонунларда республикамиз фуқароларининг табиий ресурслардан фойдаланишига тегишли бўлган ҳуқуқлари белгилаб берилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда ҳуқуқшунослик фанлари доирасида фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган (экологик) субъектив ҳуқуқларининг мазмунини ташкил қилувчи масалалар деярлик ўрганилмаганлигини қайд этиш жоиз. Бинобарин, бу борадаги муайян бўшлиқ фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онгини юксалтириш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг экологик ҳулқ-атворини юксалтириш билан боғлиқ амалий ва илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалаларини ҳал этишда муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

Фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онгини юксалтириш ва уларнинг экологик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва кафолатлаш механизмларини яратиш билан боғлиқ масалалар ижтимоий ва табиий борлиқда инсонларнинг яшаш тарзини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири эканлиги барчага маълум. Шу боис фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқлари билан экологик-ҳуқуқий онг ўртасидаги нисбат масалаларини ўрганишда, энг аввало, “қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқ” тушунчасининг мазмун ва моҳиятини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи субъектив ҳуқуқ сифатида ҳар бир индивиднинг ўз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, шахсий ва бошқа ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини атроф табиий муҳитнинг оптимал, яъни энг оқилона шарт-шароитларида амалга оширишга, давлатдан барча юридик ва жисмоний шахслардан табиатни муҳофаза қилиш бўйича конституциявий мажбуриятларини бажаришни талаб қилишга, шунингдек улар бу мажбуриятларини бажармаган ҳолларда давлат ва жамиятга ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилишга бўлган конституциявий санкцияланган, давлат томонидан кафолатланган, реал, доимий ва олиб қўйилмайдиган ҳуқуқлари мажмуасидир. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ҳар бир кишининг халқаро ва давлат андозаларига мос келадиган қулай атроф табиий муҳитда яшашга бўлган табиий ҳуқуқини тан олади ва уни муҳофаза қилишни кафолатлайди.

Ҳозирги кунда фуқаронинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи шахснинг сиёсий ҳуқуқларига ҳам алоқадор. Бунинг сабаби шундаки, атроф табиий муҳит муаммолари фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қиладиган сиёсий ва бошқа ижтимоий бирлашмалар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарор ҳолатни сақлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларнинг экологик онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилган экология йўналишидаги жамоат бирлашмалари фаолият юрита бошлади. Улар жумласига “Эколог”, “Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти”,

“Ўзбекистон зоология жамияти”, “Орол ва Амударёни муҳофаза қилиш иттифоқи” ва “ЭКОСАН” каби жамоат ташкилотларини киритиш мумкин. Ҳозирги кунда республикамизда рўйхатга олинган тўққиз мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларининг 140дан ортиғи бевосита экология ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади.

Айниқса, 2008 йил 2 августда мамлакатимизнинг эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ташкил этилганлиги фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда ва уларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ушбу ҳаракат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш эканлиги белгилаб қўйилди.

Қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқлари сирасига кирганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ у ажратиб бўлмайдиган, яъни узвий ҳуқуқ ҳисобланади. Шундай экан, ушбу қонуний ҳуқуқ қандайдир вақт чегараларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади. Унинг моҳияти инсоннинг атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган шарт-шароитларда яшаши ва қонун билан ман этилмаган ҳолатларда фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлишидир.

Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи хўжалик ва бошқа қонуний мақсадларда табиатдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам ўзида ифода этади. Уни амалга оширишда шахс жамиятнинг бошқа аъзолари экологик манфаатларини поймол қилмаслиги лозим. Шу ўринда, “қонун билан ман этилмаган ҳамма нарсани қилиш мумкин” деган принципга табиатдан фойдаланишда тўлиқ равишда амал қилиш мумкинми деган савол туғилиши табиий. Ушбу саволга жавоб бериш асосида шунга қайд этиш жоизки, атроф-муҳитдаги биологик ва физик мувозанатнинг унча мустаҳкам характерда эмаслиги, табиатга антропоген (инсон қўли билан етказиладиган) таъсир оқибатларининг етарли даражада илмий тадқиқ этилмаганлиги фуқароларнинг ўз экологик манфаатларини амалга оширишлари муаммоларини уларнинг “табиат бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, табиат ва атроф-муҳитни сақлаб қолиш”, деган конституциявий мажбурияти билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари билан бирга, бу борадаги бурчлари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, ушбу Қонуннинг 12-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт” [6].

Фуқаролар давлатдан, барча юридик ва жисмоний шахслардан инсоннинг ҳаёт фаолияти учун қулай экологик шароит яратиш ва уларни муҳофаза қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу қонуний ҳуқуқнинг моҳияти тегишли субъектив ҳуқуқ эгалари бўлмиш фуқароларга ҳуқуқни қолган барча субъектларининг қулай атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш ва муҳофаза этиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари устидан назорат олиб боришнинг юридик имкониятини яратиш берилган иборатдир. Фуқаролар давлатдан ўз экологик ҳуқуқлари доирасида қонунчиликда назарда тутилган чора-тадбирларни тегишли равишда амалга оширишни талаб этишлари мумкин. Бу ерда гап асосан атроф табиий муҳит сифатини режалаштириш ва нормага солиш, экологик зарарли фаолиятларни бартараф этиш, авариялар, ҳалокатлар, табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, экологик қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиёт концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқиш, тегишли чоралар кўриш борасидаги давлат мажбуриятлари хусусида кетмоқда.

Фуқаролар тегишли давлат органларининг Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган экология борасидаги мажбуриятларини бажаришларини талаб қилишга ҳақлидирлар. Шу билан бир каторда, фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир:

атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича жамоат бирлашмалари ва жамғармалар тузиш, шундай бирлашмалар ва жамғармаларга аъзо бўлиш, ўзларининг молиявий маблағларини уларнинг ҳисобрақамларига ўтказиш;

атроф табиий мухитни муҳофаза қилишга бағишланган мажлислар, митинглар ва бошқа оммавий-ижтимоий тадбирларда иштирок этиш, атроф табиий мухит масалалари бўйича барча давлат ва жамоат ташкилотларига ариза, шикоят ва таклифлар билан мурожаат этиш;

тегишли давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотларидан атроф табиий мухитнинг ҳолати ва уни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ахборот беришларини талаб қилиш;

у ёки бу бошқарув, техник ва бошқа қарорларнинг экологик мақсадга мувофиқлиги ва тўғрилиги юзасидан очиқ ижтимоий баҳс-мунозаралар ўтказиш масаласини ўртага ташлаш, мустақил экологик тадқиқотлар ва экспертизаларни амалга ошириш;

атроф табиий мухитга ва инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган экологик ва бошқача қарорларни маъмурий ёки суд тартибида бекор қилишни талаб қилиш;

экологик ҳуқуқбузарликда айбдор бўлган мансабдор шахсларни ва бошқа фуқароларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиш, экологик ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида фуқаролар соғлиғига ва мулкига етказилган зарарни қоплаш тўғрисида судга даъво аризаларини киритиш ва бошқалар.

Фуқаролар қулай атроф табиий мухитга эга бўлиш ҳуқуқлари бузилган ҳолларда давлат ва жамоатчилик ҳимоясига мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқи миллий қонунчиликнинг бутун тизими томонидан таъминланади.

Экологик вазият тўғрисида ахборотларга эга бўлиш бугунги кунда нафақат алоҳида олинган инсон учун, балки бутун бир жамият ва давлат учун ҳам ҳаётий зарурат касб этади. Зеро экологик ахборот фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда асосий манбадир. Бунда экологик ахборот деганда, нимани тушуниш лозимлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Бизнингча, экологик ахборот тушунчасига қуйидаги нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчидан, сув, ҳаво, ер, фауна, флора, қишлоқ хўжалик ерлари ва қўриқхоналарнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлар. Иккинчидан, атроф табиий мухитга зарарли таъсир ўтказадиган ёки ўтказиши мумкин бўлган ёхуд уни муҳофаза қилишга қаратилган фаолият тўғрисидаги ахборотлар. Учинчидан, атроф табиий мухит, табиат ресурсларидан фойдаланиш ва умуман инсон-жамият-табиат муносабатларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган экологик қонун ҳужжатларида акс этган ҳуқуқий ахборотлар.

Афсуски, жорий қонунчилигимизда экологик ахборот, хусусан, экологик-ҳуқуқий ахборот тушунчаларига етарли тарзда таърифлар берилмаган, шунингдек қонунчиликда экологик аҳамиятга эга бўлган ахборотни етказиш, унинг ҳажми ва доираси билан боғлиқ масалаларда бўшлиқлар мавжуд.

Шу ўринда, экологик ҳуқуқий ахборотни тайёрлашда ва уни фуқароларга етказишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини автоматлаштириш;

иш юритиш (ҳужжатлар айланиши) тизимини янги замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш;

экология билан боғлиқ ягона маълумотлар базасини (банкни) яратиш ва унга эркин кириш имкониятини туғдириш;

тегишли мутахассисларни экология соҳасидаги ахборотларни самарали эгаллашлари ва қўллашлари учун уларни ахборот ҳуқуқий таъминлаш;

экологик ахборот ҳуқуқи соҳасида маҳсус курсларни жорий қилиш;

ахборот ресурс марказларида (кутубхоналар) фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот (шу жумладан, экологик) эркин ва бепул фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда аҳолини экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш юзасидан турли хил тадбирларни уюштириш ва ташкил этиш;

аҳолини экологик ахборот билан таъминлашда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

Жамиятни экологик-ҳуқуқий ахборотлаштириш фуқароларнинг экологик-ҳуқуқларини амалга ошириш тизимининг самарали фаолият кўрсатишида ва энг муҳими уларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш: **биринчидан**, уларни ижтимоий-табiiй борлиқда, давлатнинг экологик сиёсатини амалга оширишга қаратилган тадбирларида онгли ва фаол иштирок этиш шарти бўлса, **иккинчидан**, жамиятда экологик соғлом турмуш тарзини шакллантириш, **учинчидан**, бўлғуси экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, инсон–жамият–табиат муносабатларида уйғунликни таъминлаш, **тўртинчидан**, уларнинг ўз экологик ҳуқуқларини самарали амалга оширишнинг муҳим омилдир.

Демак, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларидан хабардорлигини таъминлаш учун тегишли давлат ва нодавлат субъектлари ўз фаолиятларини янада жонлантиришлари лозим. Зеро, инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва уни таъминлаш “инсон–жамият–табиат” алоқадорлигининг ҳозирги вақтда келиб чиқаётган муаммоларига оид янги реалликдир. Эндиликда у давлатнинг ўз функцияларини бажаришида, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини рўёбга чиқаришида ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онгини юксалтиришда марказий масалалардан бири сифатида қаралиши лозим.

References:

1. Vershok I.L. Ob ekologicheskom pravosoznanii // Gosudarstvo i pravo. - 2003. - № 3. - S.42.
2. Smirnov T.S. Ekologizatsiya soznaniya i yeye rol v optimizatsii vzaimodeystviya obshchestva i prirodi (Ekologizatsiya soznaniya vo vzaimodeystvii obshchestva i prirodi). - Ivanovo, 1984. - S.74.
3. Dolgoplova L.D., Dolmatova N.I. K teorii issledovaniya prirodooxranitel'nogo pravosoznaniya // Problemi pravovedeniya. - 1981. - №42.
4. Vershok I.L. Ob ekologicheskom pravosoznanii // Gosudarstvo i pravo. - 2003. - №3. - S.42.
5. Vershok L.I. Ob ekologicheskom pravosoznanii // Gosudarstvo i pravo. - 2003. - №3. - S.42.
6. O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. - 1993. - №1. - 38-modda; - 2017. - №24. - 487-modda; - №37. - 978-modda.